# О Л Д И – С О Т Д И  Ш А Р Т Н О М А С И №3

Лот №

Бухоро шаҳри 2022 йил 12-Январ

“UZBEK AGRO” МЧЖ, кейинги ўринларда Сотувчи” деб юритилади.Ўзининг устави асосида иш юритувчи О.Ражабов,номидан бир томондан ва Бухоро “Мурувват” ногирон болар учун интернат уйи кейинги уринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Узининг устави асосида иш юритувчи рахбари Б.Олтиев номидан , иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

## 1.ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (Маҳсулот) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Мол гушти | Кг | 1000 | 55000 | 55 000000 |
| | **Жами:** | | | | **55 000 000** |

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: 2022 йил «31» январгача

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси ККСсиз **55 000 000** ( Эллик беш миллион ) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинадиган Товар (махсулот) учун олдиндан тўлов миқдори 16500000 сўм яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса **38500000** сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил “31” январгача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 16 -мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

2.4. Тўлов шакли накд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартномага мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини етказиб берувчи ўз зиммасига олади.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (махсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

## 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:
5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.
5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.
5.4.Шартноманинг белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди:
5.5. Товар ҳакини ўз вактида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.
5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома Ғазначиликдан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил « 31 » декабргача амалда бўлади.
6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор холатларида

## 7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари,
шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р.“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади
8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида хал қилинади.

## 9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«СОТУВЧИ»**
“UZBEK AGRO”**МЧЖ**
(сотувчининг номи)

манзили Ромитан тумани
И.Сино МФЙ
Тел/факс +
х/р-20208000000843029001
банк номи Миллий банк
МФО 00084 ИНН 305295594
ОКОНХи-21243

Рахбар ______________ О.Ражабов

**«СОТИБ ОЛУВЧИ»**
**Бухоро»Мурувват»ногирон болалар учун интернат уйи**
(бюджетдан маблағ олувчи ташкилот номи)
манзили Абай кучаси 61 уй
тел\факс 228-10-50, 228-10-58
Р/сч 100021860064017101205054001
бюджетдан маблағ олувчи
СТИРи 201512037 ОКОНХи 91800
Ғазначилик бўлим номи: Бухоро вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси
Ғазна х\в: 23402000300100001010
Марказий банкнинг Тошкент шахар бош бошқармаси ХККМ МФО 00014
Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Рахбар ______________ Б.Ч.Олтиев

**ХУКУКШУНОС: ______________ Ш.Раджабов**
***Диплом В №292537 28.06.99***

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Бухоро «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи директори**
**____________ Б.Олтиев**
**(имзо)**

Бухоро “Мурувват” ногирон болалар учун интернат уйи фаолияти учун олинадиган товар ва хизматлар нархини аниқлаш бўйича танлов комиссиясининг йиғилиш

Б А Ё Н И 3

2022 йил «12» « Январ Бухоро шаҳри

| **Таркиб** | **Лавозими** | **Ф.И.Ш** |
|---|---|---|
| Раиси: | ТИБ директор уринбосари: | Э.Файзиев |
| Комиссия аъзолари: | Омбор мудир: | О.Дарвешов |
| | Хўжалик соҳибаси: | Д.Каримова |
| | Касаба уюшма аъзоси: | Н.Хасанова |
| | Фельдшер: | Х.Баротов |

К У Н Т А Р Т И Б И:

Эркин савдо орқали бюджет ташкилоти фаолияти учун олинадиган *мол гўшти* нархини аниқлаш,

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Ғазна ижроси қоидалари”га асосан хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27сентябрдаги ПК 3953-сонлиЎзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисидаги” қонуннинг 27-бандига асосан .

Даволаш профилактика ва таълим муассасалари мехмонхона ва ресторан хизматлари курсатиш мурувват ва ногиронлар уйлари : мехрибонлик уйлари ва интернатлар : кариялар уйлари учун озик-овкат махсулотларини тугридан-тугри харид килиш белгилаб куйилган .Шунга асосан, танлов савдосига тақдим этилган етказиб берувчиларнинг тижорат таклифларидаги нархларини солиштирма (рақобат) варақаси таққослаб кўрилди:

| Товар ва хизмат | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| сони | Бир бирлик нархи | Ўлчов бирлиги | Номи | “ЎзбекАгро” ”ФХ | “Голден Одил» МЧЖ | “Саид Азиз” МЧЖ |
| 1 | 57000 | Кг | Мол гўшти | 55000 | 55100 | 55130 |

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Юқорида танлов савдосига тақдим этилган етказиб берувчиларнинг тижорат таклифларидаги нархларини солиштирма (рақобат) варақасига асосан “Ўзбек Агро” ФХ таъминотчи савдо ғолиби ҳисоблансин.
2. Танлов якунлари буйича ушбу таъминотчи билан 55000000 сумга шартнома тузиш ташкилот бош ҳисобчиси Х.Артикова томонидан музокорага киришилсин.

3.Танлов комиссиясининг баённомаси ўқиб берилди ва тўғри тузилди деб тан олинди.

И М З О Л А Р :

| | | |
|---|---|---|
| Раиси: | Э.Файзиев | |
| | (Ф.И.Ш) | (имзо) |
| Комиссия аъзолари: | О.Дарвешов | |
| | Д.Каримова | |
| | Н.Хасанова | |
| | Х.Баротов | |

# «PARRANDA FAYZ BARAKA SERVIS» МЧЖ

**Бухоро вилояти Бухоро тумани Шейхонча МФЙ Х/р: 20208000100409325001, МФО:00120,**
**ИНН: 303119084, ОКОНХО: 21241 ОКПО: 25346343 «Асака банк» Бухоро вилояти филиали**

## Ҳайвон суйилганлиги тўғрисида
## МАЪЛУМОТНОМА Ф 200 № 102

**Берилди ушбу маълумотнома шу ҳақдаким,** Узбек Агрофермер жуиуми

**Идентификация рақами №** 4 (бош) бир минг кг **бўлган ҳайвонни**

**Бухоро вилояти, Бухоро тумани, Шейҳонча МФЙ, Шейхонча қишлоғида жойлашган «ПАРРАНДА ФАЙЗ БАРАКА СЕРВИС»** номли ихтисослашган сўйиш корхонасида сўйилди.

**Нимта оғирлиги** 1000 **кг.**

**Гўштни кўрикдан ўтказиш натижаларим:**

соғлом

**Ички аъзоларни (ўпка, жигар, буйрак, талоқ ва шу кабилар) кўрикдан утказиш натижалари:**

соғлом

**Аниқланган паразит касалликлар:**

соғлом

**Юқумли касалликлар гумон қилиниши:**

гумон қилинмоди соғлом

**Амалга оширилган чоралар:**

Ге ро кўрилмоди соғлом

**Ихтисослашган сўйиш корхонаси ветеринария врачи Н.Р.Аббосов**

Дастлабки кўрик
03 02 22
Ветеринария хизмати

**2021 й. «12» январ**

**М.Ў.**

PARRANDA FAYZ BARAKA SERVIS

"Ўзбек Агро" ташкилоти томонидан 1000 кг мол ( куй) гуштининг бюджет ташкилотларига ( ижтимоий соха муассасалари) етказиб берилишини хисоботини юритиш буйича кайд жадвали

| № т/р | Бюджет ташкилотининг номи | Бюджет ташкилотининг жойлашган манзили | Шартнома раками ва санаси | Шартномага асосан етказиб берилади ган гушт микдори ( кг/тон) | | Бюджет ташкилоти масъул ходимнинг имзоси ва мухри |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Раками да | Суз билан | |
| 1 | Мурувват ногирон болалар интер уйи | Бухоро ш Абай №61 | №3 12.01.22й. | 1000 | бир минг кг | |
| 2 | | | | | | |
| 3 | | | | | | |
| 4 | | | | | | |
| 5 | | | | | | |
| 6 | | | | | | |
| 7 | | | | | | |
| 8 | | | | | | |
| 9 | | | | | | |
| 10 | | | | | | |
| 11 | | | | | | |
| 12 | | | | | | |
| 13 | | | | | | |
| 14 | | | | | | |
| 15 | | | | | | |

**Изох :**

Ушбу жадвал маълумотномада курсатилган гушт канча микдори гушт етказиб берувчи томонидан кайси бюджет ташкилотларига сотилганлигини сарфини юритиш учун тузилади .

Жадвални тугри юритилишига гушт етказиб берувчи жавобгардир.